

"The Bobur is the true of the Renaissance ruler..."

Saidakbarova Mukaddas Muhammadrahimovna,

Kokan DPI,

doctor of philosophy in philology (PhD)

Mamatqulova Feruza Tohirovna,

Kokan DPI,

doctor of philosophy in philology (PhD)

Annotation: The article focuses on the life of Zahiriddin Muhammad Babur, how he followed the criteria of justice in the activities of state administration, and how he had a rich creative laboratory in his own direction in the scientific and literary sphere as a ruler.

Key words: Renaissance, warlord, poet, geographer, just ruler, jurist, translator, sect, unique.

Ҳар бир миллатнинг хоссатан миллий колоритини ўзида жамлаган тарихий шахслари, ижтимоий- сиёсий жараёнлари, салкам эътиқод даражасига кўтарилган маънавий - адабий қарашлари мавжуддир. Бу омиллар илоҳий насиба бўлиб, маълум миллатнинг ташриф қоғозига айланади. Миллатлар тақдимида Румий, Жомий, Ганжавий, Ҳофиз, Гёте, Гарсиа Лорка, Лев Тольстой, Пушкин, Габриел Гарсиа Маркес, Харука Мураками, Тагор ва булар каби юзлаб шахслар номи зикри кифоя этадики, бу шахслар номининг хотирга олиншини жаҳон аудиториясига ўзи мансуб миллат ҳақида тўлиқ тасаввур ва маълумот бера олади. Ўзбек миллатининг бу каби эътирофга лойиқ беҳисоб фарзандлари қаторида Захириддин Муҳаммад Бобур шахси бетакрор феномен сифатида эътирофга лойиқдир. Буюк давлат арбоби, юксак иқтидорли адабиётшунос, бетакрор ижодкор, географ, тарихчи, иқтидорли саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур XV-XVI асрларда яшаб ижод этган. Унинг шарафли умр йўли кўхна Андижонда бошланиб, 47 ёшида Ҳиндистонда поёнига етган. Бир қарашда бир инсон умри учун қисқа муддат ҳисобланган қирқ етти йиллик вақтда Бобур инсоният тарихида ўзидан бой илмий - адабий ва сиёсий – ижтимоий мерос

ва Бобурийлар сулоласи асосчиси ўлароқ “шахсий имзоси”ни қолдирган. Отадан эрта етим қолиб, ўн икки ёшида давлат бошқарувини зиммасига олган Бобур ҳукмдорлигининг илк даврларидаёқ тажрибали давлат раҳбарларидек иш тутади. Ўша давр давлат бошқарувининг асосий вазифаларидан бири - мавжуд ҳокимият тасарруфидаги ҳудудларни кенгайтириш бўлган. Ёш подшоҳ Темурийларга хос шижоат билан ғозийлик ишларини бошлаб юборади, аммо Самарқандни қўлга кириш жараёнларида, ҳукмдорсиз қолган Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. Натижада, Бобур оз сонли қўшини билан Афғонистон томонга ўтиб кетади. Бобурнинг бу юриши унинг тақдиридаги Ватанни буткул тарк этиш, Ватанни қайта кўра олмаслик ва бутун умри давомида буюк ҳижронда ўтиш деб номланган битикларнинг ибтидоси эди. Маворауннаҳрни қўлга киритиш учун қилинган қайта уринишлар муваффақиятсиз якунлангач, Ҳиндистонни эгаллаш мақсадига қатъий таянган ҳолда 1526 йили Дехли подшоҳи Иброҳим Лўдийни енгиб, Ҳиндистонга эга бўлади. Агра шаҳрида туриб, Ҳиндистонда давлат ишларини бошқаради. Унинг давлат бошқарув фаолиятига “Бобурнома” асарининг котиби қуйидагича баҳо берган: “У қудратли подшоҳнинг яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш маҳолдир.....саккиз асл сифат унинг зотиغا хосдир: бири - иқболи баланд эди; иккинчиси – ҳиммати юксак эди; учинчиси – вилоят олмоқ (мамлакат ҳудудини мунтазам кенгайтириб туриш); тўртинчиси – вилоят сақламоқ (ўз ҳудудини мустаҳкам қўриқлаш ва сақлаш); бешинчиси – маъмурлик (саҳийлик); олтинчиси - Аллоҳ бандаларига фаровонлик нияти; еттинчиси – лашкар кўнглини қўлга олмоқ; саккизинчиси – адолат қилмоқ”. Бундан кўриниб турибдики, Бобурнинг давлат бошқарув сиёсати инсонпарварлик ғоялари асосига қурилган ва бу сиёсатга аввало ўзи амал қилган. Унинг сиёсий фаолияти бу каби гуманизм ва адолат билан йўғрилганлигининг муҳим сабаби деб - Бобур шахсиятининг диёнат, илм, маърифат, санъат, инсон ва табиатга нисбатан ҳурмат руҳиятида камол топганлигида. У ёшлигидан замонасининг барча илмларидан огоҳ бўлди, шариат, фикҳ,

адабиёт, муסיқа ва бошқа соҳаларни жиддий ўрганди. Шу билан бир қаторда отаси Умаршайх Мирзо ҳурмат қилган, унинг таълимотидан баҳра олган шайх Хўжа Аҳрор Валийга юксак ихлос қўйди. Уни ўзига устоз санаб, тариқат илмларини ҳам пухта эгаллади. Тарихчи олим Абдулҳай Лакнавий Ҳасаний “Нузҳат ул- хавотир” асарида ёзишича: “Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (Хожа Аҳрор Валий) унинг исмини Заҳириддин Муҳаммад деб қўйган. Лекин туркий халқлар орасида (довюрраклиги учун) Бобуршоҳ номи билан машҳур бўлган”. Маълумки, тариқат (тасаввуф) илми назарий маълумотларни ёд олиш билан эгалланмайди, Бу илм “ ҳол илми” ҳисобланиб, бу сифатли маърифатни англамоқчи, соҳиб бўлмоқчи бўлган шахс бевосита тариқат назариясини ўз шахсиятида амалга жорий қилиши талаб қилинади. Бобурнинг бу масалага қарашларини қуйидаги маълумотда ҳам кўришимиз мумкин. Ҳиндистонда у мағлуб қилган Иброҳим Лўдийнинг онаси сарой ошпазлари билан тил бириктириб, Бобурнинг овқатига заҳар қўшиб беради. Кучли заҳарланган Бобурнинг соғлиги таҳликада қолади. Шу даврда у бутун умр ихлос қилган устози Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” асарини форсийдан ўзбек тилига таржима қилишга бел боғлайди. Асарни таржима қилиб тугатганда Бобур буткул соғайиб кетади. Шоҳ Бобур фикҳ борасида ҳам анчайин соҳиби илм бўлган. Унинг “Мубаййин” асари айнан шариат аҳкомлари, муҳим беш фарзнинг бадий талқинидир. Ушбу асарни шоир ўз фарзандлари учун ёзган деган маълумотлар берилган. Бундайин маърифатга ошно, илмни ўзининг ҳаётий дастурига айлантирган, билганларига аввало ўзи амал қилган Бобуршоҳ юқорида таъкидланганидек, давлат бошқарувида адолат ва инсонпарварлик тамойиллари устуворлигини таъминлай олган.

Бобурнинг мардлик сифати ҳам эътирофга лойиқ эди. “Бобурнома”да ёзлишича, хонлар Бобур билан бирга Ахсини эгаллашни ният қилиб юрган пайтда, Ахси ҳукмдори Шайх Боязид Бобурни ўз қароргоҳига чорлайди. Бу таклифга қандай жавоб бериш мақсадида тоғаси Султон Маҳмудхон ва кичик хон Олачахондан маслаҳат сўрайди. Улар Бобурга бу таклифни қабул қилиб,

у ерга боришга ва пайтини топиб Шайх Боязидни қўлга олишни маслаҳатини беради. Бунга жавобан Бобур: “Бу макру фириб бизнинг одат ва усулимиздан эмас эди. Алалхусуским, орада аҳд бор. Биз нега аҳдга хилоф қиламиз?!” -дея ўзининг юқори дипломатик хусусиятини ва мардлик сифатини намоён қилади.

Бобур шахсиятини янада мукаммал ўрганиш хоҳиши ила шоирнинг бебаҳо мемуар асари –“Бобурнома”га мурожаат қиламиз. Буюк саркарда жангу жадаллар, харбий талотўпларга қоришиқ харбий юришларида, ўзи бўлган ҳудудлар географияси, табиати, ҳайвонот ва наботот оламини академик тарзда ўрганиб, ўз фикр –мулоҳазаларини қайд этиб борганки, бу маълумотлар ҳали –хануз ўрта асрларда Андижондан то Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлар тарихини ўрганишдаги энг қимматбаҳо маълумотлардан ҳисобланади. Тарифлаётган жойнинг ҳавоси, ўсимликлар олами, жойлашув ҳудудининг ўзига хос биологияси ва географияси борасида мукаммал маълумотлар бериб боради. Масалан, шоир “Бобурнома”да Фарғона вилояти хусусида қуйидаги қимматли маълумотларни қайд этиб ўтган: Фарғона вилояти бешинчи иқлимдадир....., ғалласи мўл, меваси кўп...қовун пишиғида полиз бошида қовун сотмоқ одат эмас....элининг тили туркий тилга мувофиқ, Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Ҳирий (Ҳирот)да шуҳрат қозонган бўлса ҳам, бу тил (Фарғона тили) билан ёзилгандир... элининг санъткорлари кўп....шаҳар билан тоғ ўртасида(Ўш томонларда) бир масжид қад кўтарган, масжиди Жавзо номи. Ҳар мусофир ва ўткинчи ўша ерда истиқомат қилади.. тоғларида феруза ва темир конлари бўлади. Фарғона вилоятининг ҳосили билан, агар адолат қилсалар, уч-тўрт минг кишилик лашкар сақласа бўлади...”. Бу каби минглаб маълумотлар Бобурнинг юксак иқтидор соҳиби эканлигини, бир шахсиятда бошқарув, ижодкорлик, илмни жамлаган ва барчасини халқ манфаати ва мамлакат равнақи йўлига бағишлай олган шахс сифатида такрор ва такрор тан олишда давом этамиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида жаҳон мутафаккирлари юксак эътироф ва муносабатларини билдирган. Ҳиндистон давлат арбоби Жавоҳир-лаъл Неҳру эътирофи: “Бобур уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий наъмунасидир. У мард ва тадбиркор одам бўлган... мутаассиблик каби чекланишдан йироқ, ...санъат ва адабиётни севар эди”

Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден эътирофи: “Бобур феъл атворига кўра Цезарга караганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган”.

Инглиз таржимони Уилям Эрскин эътирофи: “Саховати ва мардлиги, истеъдоди, имл-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ўзбек китобхонида бу кунгача ижодкор сифатида кўпроқ маълум бўлди. Аммо, бу кун унинг давлат бошқарувидаги фаолияти, маърифатли ҳукмдор сифатида амалга оширган ишлари, шоҳ ва оддий халқ ўртасида тутган муносабатлари хусусида тадқиқот йўналишларини бир оз кенгайтирсак мақсадга мувофиқ бўлади. Бобур каби миллат қаҳрамонларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ўз навбатида Учинчи Реннесанс пойдевори қурилаётган муҳим сиёсий жараёнда ёш авлодни миллий ифтихор руҳияда тарбиялашда йни зарурий маънавий озуқа вазифасини ўтайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азимжонов С., Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мақолалар тўплами. - Тошкент, 1995.
2. Воҳидов Р., Биз билган ва билмаган Бобур. - Тошкент, 2000. Ёқубов Ҳ., Заҳириддин Муҳаммад Бобур. - Тошкент, 1949.
3. Лутфулло Маҳмуд, Бобурни тушуниш бахти. - Тошкент, 2009.
4. Машрабов З., Шокаримов С., Асрларни бўйлаган Бобур. - Тошкент, 1997.

5. Бобур. Захириддин Мухаммад. Бобурнома / Т.: Юлдузча нашриёти, 1990
6. Бобур. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар:Раҳмонов В., Ҳотамов Н./ -Т.: Ўқитувчи нашриёти,1983
- 7.Ражабова Д. Шарқона одоб ва ахлоқ тимсоли // Жамият.-2017.№6
7. Muqaddas, Saidakbarova. "INTERPRETATION OF ENLIGHTENMENT AND SPIRITUALITY." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 405-409.
8. Саидакбарова, Мукаддас. "" TARIXI MULUKI AJAM"(" ИСТОРИЯ ИРАНСКИХ ЦАРЕЙ") КАК НАУЧНО-ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ИСТОЧНИК." *Theoretical & Applied Science* 12 (2018): 122-126.
9. SAIDAKBAROVA, M. "Historical facts and poetic inventions in Alisher Navoiy's creative work." *Scientific journal of the Fergana State University* 1.4 (2018): 106-108.

Sof.uz

meros.uz

arboblar.uz